

ҚАРОР

2025 йил 13 май куни, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, ВКА режимида, тергов судьяси М.Матчановнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Юнусовнинг котиблигида, Д.Юнусованинг таржимонлигида, маъмурий ҳуқуқбузар О.Асланов ва жабрланувчи З.Норматоваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 41¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан:

15.03.1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати азербайжан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Авиасозлар 2-даҳаси, Хосиятли МФЙ, 32-уй, 38-хонадонда яшовчи
Асланов Олег Валерьевичга

нисбатан тўпланган № 3-1009-2509/4923-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

О.Асланов, 2025 йил 26 апрель куни, Яшнобод тумани, Авиасозлар 2-даҳаси, 32-уйнинг лифтида вояга етмаган 2010 йилда туғилган С.Норматованинг елкаси ва бел қисмини силаган ҳолда унга тегажонлик қилиб, шилқимлик қилган.

Суд мажлисида маъмурий ҳуқуқбузар О.Асланов юқоридагиларни тасдиқлаб, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, мазкур ҳолат қайта такрорламаслигини, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи З.Норматова юқоридагиларни тасдиқлаб, ҳозирда ҳуқуқбузарга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатма берди.

Суд, маъмурий ҳуқуқбузарнинг айби суд мажлисидаги кўрсатувлардан ташқари, билдирги, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари ва иш ҳужжатларида тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суриштирув органи томонидан маъмурий ҳуқуқбузарнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, маъмурий ҳуқуқбузарга нисбатан жазо тайинлашда ҳуқуқбузарликнинг характери, ишнинг ҳолатини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни лозим деб топади.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, маъмурий ҳуқуқбузардан қабул қилиш муассасаси фойдасига қабулхонада сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни, яъни маъмурий қамоқнинг ҳар бир куни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ундиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245, 309-311-моддаларига риоя қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Асланов Олег Валерьевич, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 411-моддаси 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин ва ушбу модда билан унга 5 (беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ муддати 2025 йил 13 май куни, соат 09:00 дан бошлаб ҳисоблансин.

Қарорни ижро қилиш Яшнобод туман ИИО ФМБга юклатилсин.

Маъмурий ҳуқуқбузардан қабул қилиш муассасаси фойдасига қабулхонада сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни, яъни маъмурий қамоқнинг ҳар бир куни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида – 281.250 сўм пул ундирилсин.

Қарордан норози тарафлар қарор эълон қилинган кундан бошлаб, ҳуқуқбузар қарор нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин, қарор қонуний кучга киргач мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судига кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:
Нусхаси аслига тўғри

(имзо)

М.Матчанов

